

МАҲМАНОВ ОРИФ ҚУДРАТОВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ
ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ
УСУЛИ ВА МОДЕЛЛАРИНИ ЯРАТИШ

(05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

МАҲМАНОВ ОРИФ ҚУДРАТОВИЧ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МУАССАСАЛАРИ
ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ
УСУЛ ВА МОДЕЛЛАРИНИ ЯРАТИШ

05.01.04 – Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари ва компьютер
тармоқларининг математик ва дастурий таъминоти

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Т49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Зайнидинов Хакимжон Насридинович
техника фанлар доктори, профессор


Расмий оппонентлар: Мухамедиева Дилноз Тўлқуновна
техника фанлар доктори, профессор
Хакимов Муфтох Хамидович
техника фанлар номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: Тошкент давлат техника университети

Диссертация химояси Тошкент ахборот технологиялари университети хузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил 19 декабр соат 12 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (252 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100202, Тошкент, Амир Темуր кўчаси, 108-уй. Тел.:(+99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2017 йил «16» декабр да тарқатилди.
(2017 йил «14» декабр даги 11 рақамли реестр баённомаси.)



Р.Х.Хамдамов
Илмий даражалар берувчи илмий
котиби раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев
Илмий даражалар берувчи илмий
котиби раиси, т.ф.д.

М.С.Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий
котиби раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда технологиялар ва ахборотлаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши шароитида олий таълим муассасалари ҳамда илмий тадқиқот марказлари илмий салоҳиятини баҳолашга, ахборот-коммуникация технологиялари орқали мониторинг ахборот тизимларини ишлаб чиқишга ҳамда маълумотлар базасини шакллантиришга йўналтирилган мақсадли илмий тадқиқотларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Олий таълим муассасаларининг рейтингини ҳисоблашда асосий кўрсаткич сифатида профессор-ўқитувчининг малакаси, тажрибаси ва маълум мутахассислик бўйича дунё илм-фан соҳасига қўшаётган ҳиссаси эътиборга олиб келинмоқда»¹. Бу борада олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот марказлари илмий салоҳиятини баҳолаш учун модел, усул, алгоритм ва дастурий мажмуаларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда илмий салоҳиятни баҳолаш усуллари, башоратлаш масалалари ва маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш масалаларини ечиш усул ва алгоритмларини тадқиқ қилиш муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу жиҳатдан ушбу соҳада, жумладан олий таълим муассасалари илмий фаолияти ва ўқув жараёни мониторингини юритишда ахборот IDEF-моделлари, реляцион алгебра асосида мониторинг кўрсаткичларининг реляцион ҳисоблашларини бажарувчи алгоритмларни такомиллаштириш, илмий салоҳиятни баҳолаш маълумотларини шакллантириш, йиғиш ва ишлов беришга йўналтирилган маълумотлар базасининг ахборот моделларини яратиш, илмий фаолият бўйича қарор қабул қилишга қўмаклашиш ва назоратини ташкил этиш дастурий воситалар мажмуини такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамик мустақилликка эришгандан буён олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлашни ривожлантириш, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини мустаҳкамлаш, олий таълимда илм-фанни янада ривожлантириш, унинг академик илм-фан билан интеграциялашувини кучайтириш, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш, иқтидорли талаба-ёшларни илмий фаолият билан шуғулланишга кенг жалб этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бу борада, жумладан ахборот-коммуникация тизимларини илм-фаннинг турли соҳаларига татбиқ этиш орқали илмий тадқиқот ишларини ишлаб чиқариш билан интеграция қилиш борасида сезиларли натижаларга эришилди. Шу билан бирга олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини оширишда турли мезонлар бўйича мониторинг қилишнинг ахборот моделлари, илмий салоҳият кўрсаткичларининг боғлиқликлари аниқловчи усуллари, электрон

¹ <http://ranking.ntf.ru/p138aa1.html>

хукуматнинг комплекс ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашишнинг интеграция модулларини ишлаб чиқишда мақсадли илмий тадқиқотлар зарур. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш, илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали механизмларини яратиш...» вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан илмий салоҳият кўрсаткичлари маълумотларига ишлов бериш ва илмий салоҳият мониторинги жараёнлари ахборот IDEF-моделларини такомиллаштириш, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти кўрсаткичларини ҳисоблаш, баҳолаш ва мониторингини юритиш ҳамда илмий салоҳият кўрсаткичларининг корреляцион боғлиқликларини аниқлаш моделларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» (2003), «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида» (2004), «Электрон ҳукумат тўғрисида» (2015) қонуллари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш»нинг устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоният ҳаётида илмий салоҳият масалаларини тадқиқ қилишда фан, техника ва юқори технологияларнинг роли бекиёс ҳисобланади. Илмий салоҳиятни баҳолаш усуллари, башоратлаш масалалари бўйича А.С.Сазонова, С.С.Донецкая, А.О.Ладный, Б.И.Бедный, А.Р.Абдуллин, Е.Ю.Старовойтова, В.В.Качак каби олимлар томонидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борилган. Маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш, тимсолларни аниқлаш масалаларини ечиш усуллари ва алгоритмларини тадқиқ қилиш бўйича Ю.И.Журавлев, В.Л.Матросов, В.В.Рязанов, Н.Г.Загоруйко, А.А.Барсегян ва бошқа қатор МДХ олимларининг ишларида кўриб чиқилган.

Ўзбекистонлик олимлар, жумладан М.М.Камилов, А.Н.Игнатев, Ш.Е.Туляганов, Ш.Фозилов, Т.Ф.Бекмуратов, Д.Т.Мухамедиева, Х.Н.Зайнидиновлар томонидан маълумотларга ишлов бериш, маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш, тимсолларни аниқлаш масалаларини ечишнинг усул ва алгоритмларини яратишга доир тадқиқотлар олиб борилган.

Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинги жараёнларида маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш усулларини қўллаш талаб этилади. Айниқса, узлуксиз таълимнинг муҳим босқичларидан бўлган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, яъни уларнинг илмий салоҳиятини мониторинг қилишда маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш орқали илмий салоҳиятдан мақсадли ва самарали фойдаланиш, аттестация органлари фаолиятини янада такомиллаштириш катта самара беради. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторингида маълумотларга ишлов беришда интеллектуал таҳлиллаш усулларини қўллаш, илмий салоҳият кўрсаткичларини коэффицентлаш, жумладан илмий салоҳиятни олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари кесимида, республика ва ҳудудлар кесимида аниқловчи такомиллаштирилган усул, моделлар яратиш ва улар асосида илмий изланишлар олиб бориш ҳозирги кунда етарли даражада ўрганилмасдан қолмоқда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент ахборот технологиялари университети ҳамда «ОАК ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантириш маркази» ДУКнинг илмий тадқиқот ишлари режасининг қуйидаги лойиҳалари доирасида бажарилган: ЁА-5-004 – «Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти мониторинг ахборот тизимини такомиллаштириш усул ва воситаларини ишлаб чиқиш» (2016-2017), А5-075 – «Электрон тармоқ ресурслари хавфсизлигини таъминлашнинг дастурий воситалари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2015-2017).

Тадқиқотнинг мақсади олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти мониторингини юритувчи усул, модел, алгоритмларни яратиш ҳамда MVC технологиялар асосида дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳияти ҳамда олий таълим муассасалари ўқув жараёни мониторингини юритиш ахборот IDEF-моделларини ишлаб чиқиш;

реляцион алгебра асосида мониторинг кўрсаткичларининг реляцион ҳисоблашларини бажаришга йўналтирилган алгоритмларни ишлаб чиқиш;

илмий салоҳиятни баҳолаш учун маълумотларни шакллантириш, йиғиш ва ишлов беришга йўналтирилган маълумотлар базасининг ахборот моделларини ишлаб чиқиш;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти ҳамда олий таълим муассасалари ўқув жараёни мониторингини юритиш, қарор қабул қилишга кўмаклашиш дастурий воситалар мажмуини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий йўналишдаги фаолияти қаралган.

Тадқиқотнинг предмети олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторингини юритиш учун хизмат қиладиган усуллар, моделлар ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий воситалар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда тизимли таҳлил, маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш усуллари, ахборот ва математик моделлаштириш, тўпламлар назарияси, маълумотларга ишлов бериш усуллари, математик статистика, объектга йўналтирилган дастурлаш усуллари, дастурий таъминотларни лойиҳалаш усуллари, маълумотлар базасини бошқариш тизимларини лойиҳалаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳият кўрсаткичлари сегментдаги функционал жараёнларнинг ахборот IDEF-моделлари ҳамда маълумотлар базасининг реляцион модели ишлаб чиқилган;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳият маълумотлар базасининг маълумотларини идентификациялашда реляцион алгебрик ҳисоблашларни бажариш алгоритмлари ҳамда илмий-педагогик ходимлар ва нашр ишлари илмий салоҳият кўрсаткичларини баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

берилган параметрлар асосида online режимида умумлаштирилган натижавий маълумотларни тайёрлаш, ишлов бериш ва мақсадли сегментни персонализациялашув даражасида шакллантириш каби имкониятларга эга бўлган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторингининг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинг маълумотларининг электрон ҳукумат доирасидаги ахборот тизимлари билан ўзаро боғланишини, маълумотлар форматини белгилашни ва маълумот алмашишини таъминловчи интеграция модуллари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

ишлаб чиқилган функционал жараённинг ахборот IDEF моделлари, маълумотлар базаси реляцион моделлари, алгоритмлар асосида республика бўйича вазирлик ва идоралар, олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот муассасалари, факультет, кафедра, лабораториялар кесимидаги илмий салоҳият мониторингини юритишга мўлжалланган «Илмий салоҳият» ахборот тизими ишлаб чиқилган;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти кўрсаткичларининг муҳимлик даражасини аниқлаш ҳамда уларнинг илмий салоҳият бўйича таснифлаш орқали қарор қабул қилишга кўмаклашувчи ахборот тизими ишлаб чиқилган;

олий таълим муассасалари ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини асосида электрон ҳужжат айланишини таъминловчи «UNISYS» ўқув жараёни мониторинги ахборот тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий

салоҳияти мониторингини ташкил этиш соҳасидаги республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчиларнинг ишларига асосланганлиги, маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш асосида илмий салоҳият кўрсаткичлар белгиларининг муҳимлигини аниқлаш, назарий ва амалий тадқиқотларнинг олинган натижалари ва уларнинг ўзаро мувофиқлаштирилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти тақлиф этилган усул, модел, ахборот тизими олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар илмий салоҳияти мониторингида IDEF методология, реляцион алгебрик ҳисоблашлар, дастурий таъминотни лойиҳалаш усуллари тақлиф этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинги жараёнларига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар илмий салоҳият кўрсаткичларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, аттестация органлари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳият мониторингини ташкил этиш бўйича ишлаб чиқилган моделлар, алгоритмлар ва дастурий мажмуалари асосида:

ихтисослаштирилган «Илмий салоҳият» дастури Ўзбекистон Республикаси давлат реестрида UZ.SMT.01.031.1766127-сон билан рўйхатга олинган (Телекоммуникация техник воситаларини сертификатлаш бўйича давлат органининг 2015 йил 23 февралдаги 1639177-сон сертификати; Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази давлат муассасасининг 2017 йил 12 декабрдаги 04-30/1989-сон маълумотномаси);

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти маълумотлар базасининг реляцион модели асосида маълумотларни идентификациялашда реляцион алгебрик ҳисоблашларини бажаришга йўналтирилган алгоритмлар, илмий салоҳияти мониторинг маълумотларини бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро боғланиш ва маълумот алмашиш интеграциялашувчи модуллари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги олий таълим муассасаларига жорий этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 7 декабрдаги 89-03-3200-сон маълумотномаси). Мазкур модел ва алгоритмлар асосида олий таълим муассасаларининг илмий салоҳият кўрсаткичларини реал вақт режимида баҳолаш ва назорат қилиш ҳамда қайта ишланган маълумотлар орқали статистик маълумотларни шакллантириш имконини берган;

берилган параметрлар online режимида тегишли натижавий маълумотларни умумлаштирган ҳолда тайёрлаш каби имкониятларга эга бўлган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторингининг дастурий таъминоти олий малакали илмий ва илмий-

педагог кадрлар аттестацияси тизимига жорий қилинган (Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясининг 2016 йил 23 декабрдаги 01-10/1391-а-сон маълумотномаси). Мазкур дастурий таъминотнинг жорий қилиниши берилган параметрлар асосида муассасалар кесимида, шу билан бир қаторда умумлаштирган натижалар бўйича мониторинг юритиш имконини берган;

олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинг маълумотларини бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро боғланиш ва маълумот алмашиш интеграциялашувчи модуллари таъминловчи “Илмий салоҳият” ахборот тизими республика олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузурдаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази давлат муассасасининг 2017 йил 12 декабрдаги 04-30/1989-сон маълумотномаси). Мазкур “Илмий салоҳият” ахборот тизимини амалиётга жорий этиш натижасида янги ижтимоий технологиялар, ресурсларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш механизмларини тегишли вазирлик ва идоралар тасарруфидаги муассасаларда реал ва заҳира кадрлар илмий салоҳият маълумотлар базасини шакллантириш орқали уларнинг ижтимоий даражасини ошириш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 15 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тақиқот мавзуси бўйича жами 34 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та республика ва 2 та хорижий журналларида) нашр этилган ҳамда 9 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситалар гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалда жорий қилиш ҳолати, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторингининг назарий асослари» деб номланган

биринчи бобида олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини ўрганиш бўйича хорижий давлатлар ва республикамизда амалга оширилган тадқиқотлар таҳлил қилинди. Бунда хорижий давлатларда таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолашда қўлланилаётган асосий усуллар, мезонлар ҳамда баҳолаш кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Олий таълим муассасалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ваколатли давлат органи мавжуд бўлган ва мавжуд бўлмаган давлатларда олий таълим муассасалари рейтингини баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди.


Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини ўрганиш ва баҳолашда маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш ва тимсолларни таниб олиш усуллари ҳамда баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини қўллаш масалалари ўрганилди. Бунда маълумотларни интеллектуал таҳлиллашнинг белгилар муҳимлигини аниқлаш усуллари тадқиқ қилинди.

Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини баҳолашда фойдаланиладиган кириш ва чиқиш ахборотларнинг турлари, фойдаланувчилар тоифалари, муассаса структураси ва асосий фаолияти бўйича ахборот тизимидаги маълумотлари оқимлари турлари белгиланди ҳамда илмий фаолият ва ўқув жараёнини мониторинг қилиш бўйича муносабатлар схемалари ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг “Илмий салоҳият мониторингида ахборот моделларини шакллантириш усуллари” деб номланган иккинчи бобида олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш ва мониторингида белгилар муҳимлигини аниқлаш масаласида маълумотларни интеллектуал таҳлиллашнинг баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини қўллаш ёндашуви келтирилган. Бунда баҳоларни ҳисоблаш алгоритми ёрдамида баҳолаш мезонларининг ахборот вазнини ҳамда объект синфларини ҳисобга олган ҳолда илмий салоҳият кўрсаткичларининг муҳимлик даражасини аниқлаш масаласи академиклар Ю.И.Журавлев, М.М.Камиловлар томонидан ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида ечиш амалга оширилди.

Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинги ахборот тизимларини ишлаб чиқишдан олдин тизимда бажариладиган функционал жараёнларнинг тузилиши ва фаолияти таҳлил қилинади. Таҳлиллар натижасида ахборот моделлари қурилади. Ҳозирги вақтда моделларни қуришда бир нечта методологиялардан фойдаланилади. Улардан бири IDEF методологиясидир. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти ва олий таълим муассаси ўқув жараёни мониторинги функционал жараёнларининг ахборот IDEF моделлари ишлаб чиқилди. Бунда IDEF0 методологияси асосида илмий салоҳиятни баҳолаш тизимининг умумий IDEF модели ва функционал модулларининг IDEF моделлари, ўқув жараёни мониторинги тизимининг умумий IDEF модели ва ўқув жараёнини ташкил этиш функционал модулларининг IDEF моделлари ишлаб чиқилди.

ОТМ ва ИТМ илмий салоҳияти мониторинги ахборот тизими куйидаги модулларга бўлинган бўлиб, ҳар бир модулдан фойдаланиш ҳукуқи фойдаланувчи ролларини ҳисобга олинган ҳолда берилади. Дастурий таъминот ишлаб чиқилишида бу жараён RBAC модели воситасида амалга оширилади: фойдаланувчи ролларини бошқариш, маълумотларни умумлаштириш, электрон ҳисоботларни шакллантириш, мониторинг натижаларини визуаллаштириш, электрон ҳисоботларни MS Office пакетларига юклаш, электрон ҳисоботларни архивлаш модуллари.



1-расм. Маълумотларни умумлаштириш модули IDEF модели кўриниши

Маълумотларни умумлаштириш модулининг ахборот IDEF модели 1-расмдаги кўринишда ишлаб чиқилди. ОТМ ва ИТМлар томонидан олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар тўғрисидаги маълумотлар ягона маълумотлар базасига он-лайн режимда шакллантирилиб борилади.

Маълумотларни умумлаштириш модулини ҳар бир фойдаланувчи томонидан шакллантирилган маълумотлар фойдаланувчининг идентификацион маълумотлари асосида тегишли олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий салоҳияти кўрсаткичларига умумлаштирилиб борилади.

Диссертациянинг “Илмий салоҳият мониторинги функционал вазифаларининг моделларини ишлаб чиқиш” деб номланган учинчи бобида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини баҳолаш модели ва алгоритми ишлаб чиқилди, илмий салоҳият мониторинги ахборот тизимида реляцион ҳисоблашларни бажаришга йўналтирилган алгоритмлари келтирилган.

ОТМ ва ИТМ илмий салоҳиятини баҳолаш кўрсаткичларини куйидаги гуруҳларга ажратиб олинди:

- олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар тўғрисидаги маълумотлар (*EmpI*);

– олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимларнинг илмий нашрлари тўғрисидаги маълумотлар (*Result*);

Бу кўрсаткичлар гуруҳи ёрдамида илмий салоҳият модели қуйидаги кўринишда тасвирланади:

$$IS = \langle Empl, Result \rangle$$

бу ерда, IS – илмий салоҳият кўрсаткичи.

Бунда дастлабки босқичда илмий салоҳиятнинг сонли ифода шаклида аниқлаш учун 24 та кўрсаткичдан фойдаланилди:

$$Empl = (x_1, x_2, x_3, x_4, x_5, x_6, x_7, x_8, x_9, x_{10}, x_{11}, x_{12}, x_{13}, x_{14}, x_{15}, x_{16}, x_{17});$$

$$Result = (x_{18}, x_{19}, x_{20}, x_{21}, x_{22}, x_{23}, x_{24});$$

бу ерда:


x_1 – фан доктори, профессор; x_2 – фан доктори, доцент; x_3 – фан доктори, катта илмий ходим; x_4 – фан доктори, илмий унвони йўқ; x_5 – академик; x_6 – фан номзоди, профессор; x_7 – фан номзоди, доцент; x_8 – фан номзоди, катта илмий ходим; x_9 – фан номзоди, илмий унвони йўқ; x_{10} – илмий даражаси йўқ, профессор; x_{11} – илмий даражаси йўқ, доцент; x_{12} – илмий даражаси йўқ, катта илмий ходим; x_{13} – илмий даражаси йўқ, илмий унвони йўқ; x_{14} – илмий даража ёки унвонли ходимлар иш ставкалари миқдори; x_{15} – илмий даража ёки унвонли ходимлар штат тури; x_{16} – илмий даража ёки унвонли ходимлар ўртача ёши; x_{17} – олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар сони (N).

x_{18} – хорижий илмий журналлардаги мақолалари сони; x_{19} – миллий илмий журналлардаги мақолалари сони; x_{20} – хорижий конференция материаллари сони; x_{21} – маҳаллий конференция материаллари сони; x_{22} – монографиялар сони; x_{23} – муаллифнинг илмий ишларига кўрсатилган мурожаатлар, иқтибослик даражалари сони; x_{24} – интеллектуал мулк объектларига олинган ҳужжатлари сони (ихтиро, фойдали модел, саноат намуналари, товар белгилари, товар келиб чиққан жой номлари, ЭҲМ учун дастурлар, маълумотлар базалари, интеграл микросхема топологиялари, селекция ютуқлари).

Илмий салоҳият моделининг олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар бўлими бўйича илмий салоҳият кўрсаткичи қуйидагича ифодланади:

$$IS_{Empl} = \frac{\sum_i^n x_i \times k_i}{N} \times 100 + \prod_j^n x_j, \quad (1)$$

бу ерда, x_i, x_j – олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар бўлими бўйича илмий салоҳият кўрсаткичлари, k_i – илмий салоҳият кўрсаткич коэффициентлари, $i = \overline{1, m}$, $m \in \{1, 12\}$, $j = \overline{14, n}$, $n \in \{14, 16\}$ – илмий салоҳият кўрсаткичлари индекси. Ушбу “Empl” кўрсаткични ҳисоблаш алгоритми қуйидаги 2-расмдаги блок-схемада акс эттирилган.



2-расм. Илмий салоҳият “Empl” кўрсаткичларни ҳисоблаш алгоритми

Илмий салоҳият моделининг олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимларнинг илмий нашрлари тўғрисидаги маълумотлари бўйича илмий салоҳият кўрсаткичи қуйидагича ифодаланади:

$$IS_{Result} = \frac{\sum_p \left(x_p \times k_p + \sum_q x_{2q} \times k_{2q} \right)}{N} \times 100, \quad (2)$$

бу ерда, x_p – натижавий бўлим бўйича илмий салоҳият кўрсаткичлари, k_p - илмий салоҳият кўрсаткич коэффициентлари, $p = \overline{18, m}$, $m \in \{18, 23\}$, $q = \overline{1, n}$, $n \in \{1, 8\}$ – илмий салоҳият кўрсаткичлари индекси. Ушбу “Result” кўрсаткични ҳисоблаш алгоритми 3-расмдаги блок-схемада акс эттирилган.

Умумий илмий салоҳият олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар бўлими бўйича ва натижавий бўлим бўйича кўрсаткичлари йиғиндисига тенг бўлади:

$$IS = IS_{Empl} + IS_{Result}, \quad (3)$$

(1)-, (2)-формулар асосида ОТМ ва ИТМларни илмий салоҳият кўрсаткич натижаларини республика бўйича ўртача кўрсаткичга нисбатан таснифлашда K_u , ($u = \overline{1, 5}$) тўпلام элементларидан фойдаланилади. K_u қуйидаги қийматларни қабул қилади:

$$K_u = \{ \text{“таҳликали наст”, “жуда наст”, “ўртачадан наст”, “ўртачадан юқори”, “юқори”} \} \quad (4)$$

ОТМ ёки ИТМларни таснифлаш модели

ОТМ ёки ИТМ синфи номи	Интервал
Юқори	$a_5 > \overline{IS}_{EmpI}$
Ўртачадан юқори	$a_4 \leq \overline{IS}_{EmpI} < a_5$
Ўртачадан паст	$a_3 \leq \overline{IS}_{EmpI} < a_4$
Жуда паст	$a_2 \leq \overline{IS}_{EmpI} < a_3$
Таҳликали паст	$a_1 < \overline{IS}_{EmpI} < a_2$

1-жадвалдаги a_1, a_2, a_3, a_4, a_5 – ОТМ ёки ИТМ синфини аниқлаш параметрлари, \overline{IS}_{EmpI} – республика бўйича ўртача илмий салоҳият кўрсаткичи. a_1, a_2, a_3, a_4, a_5 параметрларни созлаш орқали синфга тегишлилик чегараларини ўзгартириш имконияти мавжуд.

1-жадвал асосида S объектнинг K_u синфга тегишлилик қондаси қуйидаги кўринишда амалга оширилади:

$$F(S, K_u) = \begin{cases} K_1, \text{ агар } \overline{IS}_{EmpI} > a_1 \text{ бўлса} \\ K_2, \text{ агар } a_1 \leq \overline{IS}_{EmpI} < a_2 \text{ бўлса} \\ K_3, \text{ агар } a_2 \leq \overline{IS}_{EmpI} < a_3 \text{ бўлса} \\ K_4, \text{ агар } a_3 \leq \overline{IS}_{EmpI} < a_4 \text{ бўлса} \\ K_5, \text{ агар } a_5 \leq \overline{IS}_{EmpI} \text{ бўлса} \end{cases} \quad (6)$$

Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун клиент-сервер архитектураси асосидаги кўпфойдаланувчи режимда ишлайдиган, MySQL маълумотлар базаси асосидаги ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинги ахборот тизимида 19 та муносабат ишлаб чиқилган бўлиб, уларни $\{R_1, \dots, R_{19}\}$ кўринишида белгилаб олинди. Ҳар бир муносабат камида битта кортеж (сатр) ва атрибут (устун) лардан иборат. Уларни қуйидагича тасвирлаймиз: X_i - атрибутлар тўплами, $r_i[X_i]$ - X_i атрибутга мос келувчи R_i муносабатнинг кортежлари. Реляцион алгебрадаги унар амаллардан бири бўлган проекциялашни қуйидагича тасвирлаймиз:

$$R_i[X_i] = \{ r_1[X_i] \mid r_1 \in R_i \}. \quad i=1, \dots, n. \quad (7)$$

Маълумотларнинг реляцион моделида барча маълумотлар фойдаланувчига жадвал (муносабат) шаклида ҳавола этилади ва маълумотлар базаси устидаги барча амаллар жадваллар устидаги амалларга олиб келинади. Ҳар бир жадвал реал дунёдаги объектлар (моҳият) турини акс эттиради, ҳар бир сатри эса объектнинг аниқ нусхасини билдиради.

Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинги ҳисоботларини шакллантирувчи қуйидаги реляцион ҳисоблашларни бажаришга йўналтирилган алгоритмлари ишлаб чиқилди:

- олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари тўғрисидаги маълумотларни ҳосил қилиш;
- олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар маълумотларини ҳосил қилиш;
- олий малакали илмий ва илмий-педагог ходимлар томонидан нашр ишлари маълумотларини ҳосил қилиш.

provinces – R_1 муносабати ОТМ ёки ИТМ жойлашган ҳудудни белгилашга хизмат қилади:

$$R_1[x_1, x_2] = \{r_1[x_1], r_1[x_2] \mid r_1 \in R_1\}, \quad (8)$$

бу ерда, $r_1[x_1]$ – вилоят коди, $r_1[x_2]$ – вилоят номи.

offices – R_2 муносабати ОТМ ёки ИТМнинг қайси юқори ташкилот ёки идора тасарруфида эканлигини белгилашга хизмат қилади:

$$R_2[x_1, x_2] = \{r_2[x_1], r_2[x_2] \mid r_2 \in R_2\}, \quad (9)$$

бу ерда, $r_2[x_1]$ – ташкилот ёки идора коди, $r_2[x_2]$ – ташкилот ёки идора номи.

universities – R_3 муносабати ОТМ ёки ИТМнинг маълумотларини ўз ичига олади:

$$R_3[x_1, \dots, x_{11}] = \{r_3[x_1], \dots, r_3[x_{11}] \mid r_3 \in R_3\}, \quad (10)$$

бу ерда, $r_3[x_1]$ – ОТМ ёки ИТМ коди, $r_3[x_2]$ – ОТМ ёки ИТМ номи, $r_3[x_3]$ – вилоят коди ва унинг қиймати $r_1[x_1]$ дан олинади, $r_3[x_4]$ – ташкилот ёки идора коди ва унинг қиймати $r_2[x_1]$ дан олинади, $r_3[x_5]$ – ОТМ ёки ИТМнинг ҳудудий филиали, $r_3[x_6]$ – муассаса тури (ОТМ, ИТМ, малака ошириш), $r_3[x_7], \dots, r_3[x_{10}]$ – бошқа қўшимча маълумотлар.

(5)-(7) формулалар ёрдамида қуйидаги муносабатни яратамиз.

$$R_1 \triangleright \triangleleft R_2 \triangleright \triangleleft R_3 = \{(r_1, r_2, r_3) \mid r_1 \in R_1 \cap r_2 \in R_2 \cap r_3 \in R_3 \cap r_1[x_1] \theta r_2[x_3] \cap r_2[x_1] \theta r_3[x_4]\}, \quad (11)$$

Ушбу реляцион муносабат орқали ОТМ ва ИТМ тўғрисидаги маълумотларни ҳосил қилиш имконияти мавжуд.

ОТМ ёки ИТМдаги олий малакали илмий ва илмий педагог ходимлар сони, илмий даража ёки илмий унвонли ходимлар (илмий салоҳиятли) сони, илмий даража ёки илмий унвонсиз ходимлар (илмий салоҳиятсиз) сонини аниқлаш усулларини реляцион алгебра ёрдамида муносабатни қуйидагича ифодаланади:


$$R_3 \triangleright \triangleleft R_{11} = \left\{ (r_3[x_2], \text{COUNT}(r_{11}[x_1])) \mid r_3 \in R_3 \cap r_{11} \in R_{11} \cap r_3[x_1] \theta r_{11}[x_9] \right. \\ \left. \cap r_{11}[x_5] \neq \text{"no"} \cap r_{11}[x_6] \neq \text{"no"} \right\}, \quad (12)$$

Шунингдек олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаридаги илмий даража ва илмий унвонида ҳамда илмий даражасиз ходимлар ёш оралигини (30 ёшгача, 31–40, 41–50, 51–60, 61–65 ёш ҳамда 66 ёш ва юқори ёшдагилар) таҳлил қилиш мумкин. 30 ёшгача илмий даражали илмий ходимлар сонини аниқлаш муносабати қуйидагича:

$$R_3 \triangleright \triangleleft R_{11} = \left\{ (r_3[x_2], COUNT(r_{11}[x_1])) \left| \begin{array}{l} r_3 \in R_3 \cap r_{11} \in R_{11} \cap r_3[x_1] \theta r_{11}[x_2] \\ \cap r_{11}[x_5] \neq "no" \cap r_{11}[x_6] \neq "no" \\ \cap "Year" - r_{11}[x_3] \leq 30 \end{array} \right. \right\}, \quad (13)$$

бу ерда, “Year” – жорий йилни англатади.

Диссертациянинг “Илмий салоҳият мониторинги усул ва моделлари асосида ишлаб чиқилган ва жорий қилинган ахборот тизимлари воситасида тажрибавий ҳисоблашларни ўтказиш” деб номланган тўртинчи бобда ишлаб чиқилган илмий салоҳиятни баҳолаш усул ва моделлари асосида тажрибавий ҳисоблашлар учун дастурий ва техник талаблар белгилаб берилди. ОТМ ва ИТМ илмий салоҳиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун 6 та функционал модулдан иборат, клиент-сервер архитектураси асосидаги кўпфойдаланувчили режимида ишлайдиган MVC технология асосида қурилган ахборот тизими ишлаб чиқилди. Ахборот тизими клиент-сервер архитектураси асосида ишлаб чиқилган бўлиб, TCP/IP протоколи асосида маълумотлар алмашинуви таъминланган. Ушбу архитектурада маълумотларга ишлов беришнинг босқичлари 4-расмда келтирилган бўлиб, унда маълумотларни тақдим этиш, бизнес логика, маълумотлар базасини бошқариш қатламларидан иборат.



4-расм. Ахборот тизими маълумотларга ишлов беришнинг клиент-сервер архитектураси


Ишлаб чиқилган ахборот тизимдаги маълумотларни интеграция модуллар орқали бошқа дастурий таъминот ва ахборот тизимлари билан маълумот алмашинуви таъминланади. Ахборот тизими интеграция модуллари орқали қуйидаги веб сервислар тақдим қилинади:

- вазирликлар кесимидаги илмий салоҳият интерактив хизмати;
- ОТМ бўйича илмий салоҳият интерактив хизмати;

- ИТМ бўйича илмий салоҳият интерактив хизмати;
- ОТМ ўқув жараёни интерактив хизматлари;
- талаба шахсий кабинети;
- дарс жадвали интерактив хизмати.

Ҳар бир веб сервис маълумотлари API (Application Programming Interface) интеграция модуллари орқали стандарт маълумотлар алмашиш формати ҳисобланган JSON форматда қабул қилинади.

Илмий салоҳият ахборот тизими ҳамда илмий салоҳиятини баҳолаш модели асосида баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини қўллаш усули орқали илмий салоҳият кўрсаткичлари белгиларининг муҳимлик даражасини аниқланди. ОТМ ва ИТМ илмий салоҳият кўрсаткичларининг муҳимлик даражасини аниқлаш алгоритми 5-расмдаги блок-схемада акс эттирилган.



5-расм. Илмий салоҳият кўрсаткичларининг муҳимлик даражасини аниқлаш алгоритми

Бунда ўтказилган тажрибалар натижасида 23 та белгилар фазоси ёрдамида 70 та олий таълим муассасасининг илмий салоҳияти баҳоланди ва натижалар 5 та кўрсаткич бўйича тавсифланди. ОТМлар илмий салоҳият кўрсаткич натижаларини таснифлашда K_u , ($u = \overline{1,5}$) тўпلام элементларидан фойдаланилади.

Баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари асосида илмий салоҳият кўрсаткич белгилари муҳимлигини аниқланди. Тадқиқот объекти сифатида олинган


$S_j (j = \overline{1, m})$ объектлар тўплами n та X_1, X_2, \dots, X_n белги (кўрсаткич, индикатор)лар орқали тавсифланди. Ушбу белгиларнинг муҳимлик даражасини аниқлаш учун S_j объектлар тўплами l та K_1, K_2, \dots, K_l синфга ажратилган бўлсин. Натижада T_{nml} жадвал ҳосил бўлди. T_{nml} жадвал барча белгилар иштирокидаги илмий салоҳият кўрсаткичлари (4) даги синфларга тегишли бўлган объектлар сони қуйидагича бўлди:

$$k_1 = 10; k_2 = 17; k_3 = 7; k_4 = 10; k_5 = 26$$

Дастлаб тажриба тадқиқотларини ўтказишда x_1 белгини олиб ташланади ва илмий салоҳият кўрсаткичларининг ўзгариш ҳолати қайта баҳоланади. Агар x_1 белги муҳим аҳамиятга эга бўлса, натижавий илмий салоҳият кўрсаткичи ўртача ҳолда кескин камаяди ва аксинча. x_1 белги олиб ташланганда қуйидаги ҳолат шаклланди:

$$k_1^1 = 10; k_2^1 = 20; k_3^1 = 9; k_4^1 = 10; k_5^1 = 21$$

Худди шунингдек, ҳар бир белгига нисбатан ушбу усулда тажрибавий ҳисоблашлар ўтказилди. ОТМлар кесимида муҳимлик даражаси бўйича x_7 белгидан кейинги ўринларни x_1, x_2, x_{11} белгилар эгаллади (6-расмга қаранг).



6-расм. Республика ОТМлари илмий салоҳият кўрсаткичларининг муҳимлик даражаси

Тажриба натижаси шунини кўрсатдики 70 та олий таълим муассасасининг 57 тасида x_7 белги (фан номзоди, доцент) бошқа 10 тасида x_9 белги (фан номзоди, илмий унвони йўқ) муҳимлиги аниқланди.

Диссертация доирасида ўтказилган илмий салоҳиятни баҳолаш тажриба ҳисоблашлари асосида 73 та олий таълим муассасаси (филиаллар билан биргаликда) ва уларнинг асосий штатдаги педагог ходимлари, 70 та илмий тадқиқот муассасаси ва уларнинг асосий штатдаги илмий ходимларининг илмий фаолияти бўйича олиб борилди. Бунда “Илмий салоҳият” ахборот тизими ёрдамида олий таълим муассасаси илмий салоҳияти, кафедралар илмий салоҳияти ва нашр ишлари ҳолати бўйича тажрибавий ҳисоблашлар ўтказилди.

ХУЛОСА

“Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳиятини мониторинг қилиш усул ва моделларини яратиш” мавзусидаги диссертация бўйича қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш бўйича республикамизда ва хорижий давлатларда таълим муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолашда қўлланилаётган асосий усуллар, мезонлар ҳамда баҳолаш кўрсаткичлари тадқиқ қилинди. Натижада Олий малакали илмий ва илмий-педагогик ходимларнинг 17 та информатив факторидан иборат *EmpI* ва нашр ишларининг 7 та информатив факторидан иборат *Result* баҳолаш кўрсаткичлари коэффициентларини аниқлаш орқали олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш модели ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагогик ходимларнинг *EmpI* баҳолаш кўрсаткичларини ҳамда нашр ишларининг *Result* баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоблаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Натижада ушбу модел ва алгоритмлар асосида олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш ва назорат қилишга хизмат қилади.

2. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти ва олий таълим муассаси ўқув жараёни мониторинги функционал жараёнларининг ахборот IDEF моделлари ишлаб чиқилди. Бунда IDEF0 методологияси асосида илмий салоҳиятни баҳолаш тизимининг умумий IDEF модели ва функционал модулларининг IDEF моделлари, ўқув жараёни мониторинги тизимининг умумий IDEF модели ва ўқув жараёнини ташкил этиш функционал модулларининг ишлаб чиқилган IDEF моделлари асосида “Илмий салоҳият” ахборот тизимини лойиҳалаш имкони яратилди.

3. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти маълумотлар базаси ва жадваллари структураси, маълумотлар турлари ва индекслари, кортеж ва атрибутлари белгиланди ва ишлаб чиқилди. Илмий салоҳият ахборот тизими учун 19 та реляцион муносабатдан иборат маълумотлар базаси модели яратилди. Бунда ОТМ ва ИТМ маълумотларини ҳосил қилиш муносабатлари, олий малакали илмий ва илмий-педагогик ходимлар маълумотларини ҳосил қилиш муносабатлари ва нашр ишлари маълумотларини ҳосил қилиш муносабатларининг ишлаб чиқилган реляцион моделлари ОТМ ва ИТМ илмий салоҳияти бўйича рейтингини шакллантириш имконини яратган.

4. Олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун 6 та функционал модулдан иборат, клиент-сервер архитектураси асосидаги кўпфойдаланувчилик режимида ишлайдиган, MySQL маълумотлар базаси ва HTML, PHP, AJAX, JQUERY веб технологияларини қўллайдиган MVC технология асосида қурилган Yii фреймворки асосидаги “Илмий салоҳият” ахборот тизими ишлаб чиқилди. Тизимда HTTPS, SQL injection, XSS scripting, Captcha ва RBAC технологиялари қўллаш орқали ахборот хавфсизлиги таъминланди.

Ахборот тизимининг умумий концептуал модели ва функционал структураси келтирилди. Натижада “Илмий салоҳият” ахборот тизими асосида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий ва илмий-педагог кадрларининг шакллантирилган маълумотлар базаси реал ва захира илмий кадрлар салоҳиятини мониторинг қилиш имконини берган.

5. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари илмий салоҳияти мониторинг маълумотларининг электрон ҳукумат доирасидаги ахборот тизимлари билан ўзаро боғланишини ва маълумот алмашишини таъминловчи интеграция модуллари ва алгоритмлари ишлаб чиқилган. Ушбу модул ва алгоритмлар асосида реал вақт режимида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳиятини баҳолаш натижаларини бошқа дастурий тизимларга узатиш имконини берган.

6. Илмий салоҳият ахборот тизими ҳамда илмий салоҳиятни баҳолаш модели асосида баҳоларни ҳисоблаш алгоритмларини қўллаб илмий салоҳият кўрсаткичлари белгиларининг муҳимлик даражасини аниқлаш ва кўрсаткичлар коэффициентларини ҳисоблаш тажрибалари ўтказилиб, олий таълим ва илмий тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳият кўрсаткичлари баҳоланди. Бунда ўтказилган тажрибалар натижасида 23 та белгилар фазоси ёрдамида 70 та олий таълим муассасасининг илмий салоҳияти баҳоланди ва олинган натижалар 5 та кўрсаткич бўйича тавсифланди. Тажриба натижаси шуни кўрсатдики 70 та олий таълим муассасасининг 57 тасида x_7 белги (фан номзоди, доцент) бошқа 10 тасида x_9 белги (фан номзоди, илмий унвони йўқ) муҳимлиги аниқлаш имконини яратади.

7. Диссертация доирасида ўтказилган илмий салоҳиятни баҳолаш тажриба ҳисоблашлари 73 та олий таълим муассасаси ва уларнинг асосий штатдаги педагог ходимлари, 70 та илмий тадқиқот муассасаси ва уларнинг асосий штатдаги илмий ходимларининг илмий фаолияти бўйича олиб борилди. Бунда “Илмий салоҳият” ахборот тизими ёрдамида олий таълим муассасаси илмий салоҳияти, кафедралар илмий салоҳияти ва нашр ишлари ҳолати бўйича тажрибавий ҳисоблашлар ўтказилди. Натижада интеллектуал таҳлиллагга асосланган модел, алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуа олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг илмий салоҳият кўрсаткичларини реал вақт режимида баҳолаш ва назорат қилиш ҳамда қайта ишланган маълумотлар орқали статистик маълумотларни (ОТМ ва ИТМ рейтингни, ҳудуд бўйича, тегишли вазирлик ва идоралар бўйича, факультет, кафедра, лаборатория ҳамда илмий ва илмий-педагог ходимлар) шакллантириш имконини яратган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.T.07.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ**

**ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ
ТЕХНОЛОГИЙ**

МАХМАНОВ ОРИФ КУДРАТОВИЧ

**РАЗРАБОТКА МЕТОДОВ И МОДЕЛИ МОНИТОРИНГА НАУЧНОГО
ПОТЕНЦИАЛА ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ И НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИХ УЧРЕЖДЕНИЙ**

05.01.04 – Математическое и программное обеспечение вычислительных машин,
комплексов и компьютерных сетей

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017.1.PhD/Т49.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Зайнидинов Хакимжон Насридинович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Мухамедиева Дилноз Тулкуновна
техника фанлар доктори, профессор

Хахимов Муфтох Хамидович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Ташкентский государственный технический университет

Защита диссертации состоится «19» декабря 2017 года в 12⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Т.07.01 при Ташкентский университет информационных технологий. (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: tuit@tuit.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер № 1330). (Адрес: 100202, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-65-44).

Автореферат диссертации разослан «16» декабря 2017 года.
(реестр протокола рассылки № 11 от «14» декабря 2017 года.)



Р.Х.Хамдамов
член научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Ф.М.Нуралиев
секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.

М.С.Якубов
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодня, в условиях динамичного развития технологий и процессов информатизации в мире уделяется особое внимание оценке научного потенциала высших образовательных учреждений и научно-исследовательских центров, разработке информационных систем мониторинга посредством информационно-коммуникационных технологий, а также осуществлению целевых научных исследований, направленных формированию базы данных. «При определении рейтинга высшего образовательного учреждения в качестве основных показателей значительной мере определяется квалификациям, опытом профессорско-преподавательского состава и их вклад в мировую науку по определенной специальности»¹. В связи с этим разработка моделей, методов, алгоритмов и программных комплексов для оценки научного потенциала высших образовательных учреждений и научно-исследовательских центров имеет большое значение.

В мире исследование методов и алгоритмов решения задач оценки научного потенциала, интеллектуального анализа данных прогнозирования является важной и актуальной задачей. В этом аспекте совершенствование алгоритмов реляционного вычисления показателей мониторинга научной деятельности и учебного процесса посредством IDEF-моделей и реляционной алгебры, создание информационных моделей базы данных, направленной на формирование, сбор и обработку информации об оценке научного потенциала, совершенствование комплексов программных средств поддержки принятия решений и организации контроля по научной деятельности, является одной из важнейших задач в этой области.

С приобретением независимости нашей республике осуществлена широкомасштабная работа в сфере подготовки высококвалифицированных научных и научно-педагогических кадров, укрепления научного потенциала высших образовательных и научно-исследовательских учреждений, дальнейшего развития науки в области высшего образования, усиления ее интеграции с академической наукой, повышения эффективности и результативности научно-исследовательской деятельности профессорско-преподавательского состава высших образовательных учреждений, привлечения одаренной молодежи к научной деятельности. В этом плане, в частности, посредством внедрения информационно-коммуникационных систем в различных сферах науки достигнуто значительных результатов в области интеграции исследовательских работ с производством. Вместе с тем необходимо проведение целевых научных исследований по разработке информационных моделей мониторинга научного потенциала высших образовательных и научно-исследовательских учреждений по различным критериям, алгоритмов, определяющих зависимости показателей научного

¹ <http://ranking.nif.ru/p138aa1.html>

потенциала, интеграционных модулей обмена информацией между электронным правительством и комплексными информационными системами. В Стратегии действий дальнейшего развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах определены задачи, в частности «...внедрение передовых информационно-коммуникационных технологий и создание эффективных механизмов для реализации научных и инновационных достижений в практике...». Также важными являются обработка данных по показателям научного потенциала, совершенствование информационных IDEF-моделей в процессе мониторинга научного потенциала, разработка моделей учета, оценки, ведения мониторинга научного потенциала, определения корреляционных зависимостей его показателей.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Законах Республики Узбекистан «Об информатизации» (2003), «Об электронном документообороте» (2004), «Об электронном правительстве» (2015), в указе Президента Республики Узбекистан №-УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года и постановлении №-ПП-2909 от 20 апреля 2017 года «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан IV. «Развитие информатизации и информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Роль науки, техники и высоких технологий имеет решающее значение в жизни человечества при исследовании задачи научного потенциала. Научно-исследовательские работы по проблемам разработки методов оценки научного потенциала и прогнозированию вели такие ученые, как А.С. Сазонова, С.С. Донецкая, А.О. Ладный, Б.И. Бедный, А.Р. Абдуллин, Е.Ю. Старовойтова, В.В. Качак. Ю.И.Журавлев, В.Л. Матросов, В.В. Рязанов, Н.Г. Загоруйко, А.А. Барсегян и другие ученые СНГ в ряде работ исследовали методы и алгоритмы интеллектуального анализа данных и задачи определения символов.

Узбекские ученые М.М. Камиллов, А.Н. Игнатов, Ш.Е. Туляганов, Ш. Фозилов, Т.Ф. Бекмуратов, Д.Т. Мухамедиева, Х.Н. Зайнидинов посвятили свои научные исследования разработке методов и алгоритмов обработки, интеллектуального анализа данных, решения задач по распознаванию образов.

В процессе мониторинга научного потенциала высших образовательных и научно-исследовательских учреждений требуется применение методов интеллектуального анализа данных. Особенно, широкое применение информационных технологий в деятельности высших образовательных и научно-исследовательских учреждений как важного звена непрерывного обучения даст возможность целенаправленному и

эффективному использованию научного потенциала через интеллектуальный анализ данных, дальнейшему совершенствованию деятельности аттестационных органов. Проблема в сфере применения интеллектуального анализа в мониторинге научного потенциала высших образовательных и научно-исследовательских учреждений, ранжирования показателей научного потенциала, создания усовершенствованных методов, моделей определения научного потенциала в рамках высших образовательных и научно-исследовательских учреждений, а также в рамках республики и регионов недостаточно изучена.

